

# МАҲАЛЛА —

## БАРҚАРОРЛИК ТАЯНЧИ

Абу Али ибн Сино номидаги вилоят марказий кутубхонаси мажлислар залида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Бухоро филиали ва мазкур кутубхона жамоаси билан ҳамкорликда “Маҳалла — ижтимоий-сиёсий барқарорлик таянчи” мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинар-тренингда шу институтнинг Бухоро филиали бошлиғи, доцент Н. Алимов Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ижтимоий-гуманитар ва социал-иқтисодий муаммоларни тадқиқ этувчи йирик олимларни ўз атрофига жипслаштирганини таъкидлади.

БухДУ сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси А. Болтаев “Терроризм — аср вабоси”, тарих фанлари номзоди, доцент Б. Мирзақулов “Ўзини ўзи бошқариш органлари ва сайловни демократик асосда ташкил этиш тамойиллари” мавзуларида маъруза қилдилар. “Тинчлик учун ҳар бимиз масъулмиз” деб номланган китоб кўرғазмаси ҳам тўпланганлар эътиборини ўзига тортди. Марказий кутубхона библиографи Л. Ҳамидова кўрғазмадан ўрин олган китобларга шарҳ берди.

Семинар-тренинг иштирокчилари сафида вилоятда фаолият кўрсатаётган барча партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, талабаларни кўриш мумкин эди. Тадбир сўнгида улар ўртасида ўзаро савол-жавоблар, баҳс-мунозара ўтказилгани, фойдали таклиф ва фикр-мулоҳазалар айтилгани семинар-тренинг мазмундорлигини янада оширди.

**Б. КАРИМОВ,**

**Бухоро озиқ-овқат ва  
енгил саноат технологияси  
институти фалсафа  
кафедраси доценти.**